



АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 288- 295| ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ ДАРОМАДЛАР ТАБАҚАЛАНИШИНИ ТАҲЛИЛИ



Бобохожаев Бекзод Назирхужаевич

Андижон давлат университети

“Иқтисодиёт” кафедраси эркин тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада аҳоли турмуш даражаси ва уни даромадлар табақаланишини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Шунингдек, халқаро амалиётда фойдаланиладиган табақаланиш коэффицентларидан, яъни фондлар, децил, квантил ва стратификациялар кўриб чиқилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти методикаси бўйича Джини индекси кўрсаткичига боғлиқ ҳолда даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик даражасини баҳолаш мезони ҳам ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: даромадлар табақаланиши, аҳоли турмуш даражаси, халқаро амалиёт, коэффицент, фондлар, децил, квантил, стратификация, иқтисодий ҳамкорлик, методика, Джини индекси, тақсимланиш, тенгсизлик даражаси, баҳолаш мезони.

АНАЛИЗ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ И КЛАССИФИКАЦИЯ ЕГО ДОХОДОВ

Бобохожаев Бекзод Назирхужаевич

Андижанский государственный университет

Аннотация. В статье анализируются показатели, отражающие уровень жизни населения. Также были рассмотрены используемые в международной практике коэффициенты стратификации, то есть фонды, децили, квантили и стратификации. По методологии организации экономического сотрудничества и развития также разработан критерий оценки уровня неравенства в распределении доходов в зависимости от индекса Джини.

Ключевые слова: стратификация по доходам, уровень жизни населения, международная практика, коэффицент, фонды, дециль, квантиль, стратификация, экономическое сотрудничество, методология, индекс Джини, распределение, уровень неравенства, критерий оценки.

ANALYSIS OF LIVING LEVEL OF THE POPULATION AND ITS INCOME CLASSIFICATION

Boboxojaev Bekzod Nazirxujaevich
Andijan State University

Abstract. In the article, the indicators representing the level of living of the population are analyzed. Also, the stratification coefficients used in international practice, that is, funds, deciles, quantiles and stratifications, were considered. According to the methodology of the Organization for Economic Cooperation and Development, a criterion for assessing the level of inequality in income distribution has also been developed, depending on the Djini index.

Key words: income stratification, standard of living of the population, international practice, coefficient, funds, decile, quantile, stratification, economic cooperation, methodology, Djini index, distribution, level of inequality, evaluation criterion.

Кириш. Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробарга қисқартириш, аҳоли даромадини оширишга таъсир этувчи омилларни баҳолаш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш каби масалаларга устувор даражада аҳамият қаратилмоқда. “Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баравар ва 2030-йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш [1, 74 б.]” вазифаси устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Бу борада даромадлар табақаланишини аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштиришга қаратиш мақсадга мувофиқ.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича бир қатор натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек: “Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустақкам замин яратмоқда... Одамларнинг даромадлари ортиши билан оилаларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда” [2, 3 б.]

Даромадлардаги тенгсизликнинг улкан кўлам ёйиши мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликка хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун жаҳондаги барча ривожланган мамлакатлар аҳолининг турли гуруҳлари даромадларидаги фарқни мунтазам равишда қисқартириб боришга мажбур бўлади. Даромадлар даражасининг аҳоли жон бошига ёки банд бўлган бир кишига фарқланиши даромадларнинг табақаланиши дейилади.

Даромадларнинг табақаланиши – жамият аъзоларининг ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутлар билан боғлиқ бўлган объектив hodисадир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражаси ва унинг даромадлар табақаланиши масалалари кўплаб олимлар орқали ўрганилган. Жумладан МДҲ олимларидан В.Н.Салин, Е.П. Шпаковскаялар аҳоли турмуш даражаси бўйича қуйидаги фикрларни билдирган, яъни "...бу инсон фаолиятини реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётни муҳим тавсифини белгилайди [8, 399 б.]".

Х.Дж. Хужакулов "...ялпи даромадни аҳоли гуруҳлари ўртасида табақаланишини тавсифлаш орқали аҳоли даромадлари тенгсизлиги индекси-Жини коэффициентлари аниқлаган. У аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни Одан 1гача чегарада ўзгаришини, унинг қиймати Одан қанчалик узоқлашиб 1га яқинлашса катта даражада даромадлар аҳолининг алоҳида гуруҳлари қўлида тўпланишидан далолат беради деган фикрни билдирган. Шунингдек, жамиятда даромадларнинг текисланишида бу коэффициент 0га қараб интилишини асослаб берган" [9, 4 б.]

Н.И. Рустамов "...турмуш даражаси аҳоли турмушини моддий томондан ифодаласа, турмуш сифати аҳоли турмушини маданий-маиший жиҳатларини ва турмуш сифати инсонлар ҳаётини ривожланганлик даражасини кўрсатади деган фикрни билдирган. Шунингдек, муаллиф аҳоли турмуш даражаси аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбат орқали белгилаб, аҳолини даромадлари уни харажатларига нисбатан қанча кўп бўлса, аҳоли турмуш даражаси юқори бўлади. Аҳоли турмуш даражасини оширишда асосий омиллар макроиқтисодий шароитни қулайлиги, иқтисодий ўсишни тез суръатларда рўй бериши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини кучайтириш кераклигини асослаб берган" [7, 3-4 б.]

Дағбаева С.Д. ўзини қуйидаги фикрларини билдирган, жумладан, "аҳоли турмуш даражасига моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш даражаси сифатида қараган" [5, -С. 35]. Ушбу фикрни кўпроқ аҳоли турмуш даражаси статистикасини билдиради. Шу сабабли турмуш даражаси кўплаб омиллар таъсирида ўзгариб турувчи динамик жараён ҳисобланади. Бир томондан, турмуш даражаси мунтазам ўзгариб турувчи турли неъматларга эҳтиёжларнинг таркиби ва миқдори билан белгиланади, иккинчи томондан, бозордаги товарлар ва хизматлар, аҳоли даромадлари, ходимлар иш ҳақини ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Абдурахмонов Қ.Х. ўзининг "Меҳнат иқтисодиёти" фанидан дарслик ва ўқув қўлланмаларида "турмуш даражаси" категориясини мазмун ва моҳиятини истезмол соҳаси орқали фикр юритган. Уни фикрича, "турмуш даражаси - бу аҳолини зарур моддий-номоддий неъматлар ҳамда товар ва хизматлар билан таъминлаш, уларни истезмол қилиш даражасини билдиради" [4, 357 б.] деб таърифлаган.

Мухитдинов Х.С. ўзининг яқка муаллифликдаги монографиясида ҳудуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш масалаларига эътиборни қаратган. Жумладан, "аҳоли турмуш даражасини- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқлигини

ҳамда уни оширишга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали эришиш мумкинлигини асослаб берган” [6, 12 б.].

“Турмуш сифати - шахсни, уни фаолият турларини, эҳтиёжлари таркибини ҳамда уларни қондириш даражаси, инсонни жамиятдаги турмуш шароити, табиат муҳити билан уйғунлашувини тавсифловчи, турмушдан қаноатланиш ҳиссини яратувчи ҳаётий қадриятлар мажмуи¹” деб муаллиф ёндошувини билдирган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада тизимли ва мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил, табақаланиш коэффицентлари усулларида фойдаланилди. Хусусан, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти методикаси бўйича Джини индекси кўрсаткичига боғлиқ ҳолда даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик даражасини баҳолаш мезони ва 1-жадвал орқали унинг умумий таснифи тақдим этилган. Назарий маълумотлар умумийликдан хусусийликка қараб тизимлаштирилган. Даромадлар даражаси бўйича гуруҳланган маълумотлар асосида децил кўрсаткичи асосий натижавий кўрсаткич эканлигига асосланган.

Таҳлил ва натижалар. Амалиётда даромадлардаги тафавут даражаси энг кам, ўртача ва энг юқори иш ҳақи (даромад) олувчи ходимларнинг ёки аҳолининг мутлоқ ва нисбий сонини статистик тақсимлаш усули билан – иш ҳақи ёки жами даромаднинг миқдори бўйича ўлчанади. Бундай ўлчов учун асос тармоқ, минтақа ва аҳолининг турли гуруҳлардаги даромад даражаси бўйича гуруҳланган муайян қаторни тузиш учун қўлланувчи статистик ахборотдир.

Халқаро амалиётда қуйидаги табақаланиш коэффицентларидан фойдаланилади:

-фондлар коэффиценти – аҳолининг таққосланаётган гуруҳлари ичидаги даромадларининг ўртача миқдорлари нисбати ёки уларнинг даромадлари умумий ҳажмидаги улуши;

Ушбу усулда аҳоли даромадлари ҳажмига қараб ҳар бири 10 фоиздан бўлган ўн та гуруҳга бўлинади. Ушбу гуруҳлар дециллар деб аталади. Шундай қилиб биринчи децилга – D1 га аҳолининг даромади энг кам қисми киритилади, D2 га эса D1 нисбатан даромади кўпроқ аҳоли қисми киритилади ва ҳ.к. У 10- ва 1-децил гуруҳларининг ўртача даромадлари орасидаги нисбатни ифодалайди. $K_d = \frac{D_{10}}{D_1}$ бу ерда – энг кам даромадли 10 % аҳолининг ўртача жон бошига даромади; -энг юқори даромадли 10 % аҳолининг ўртача жон бошига даромади. Республикамизда 2022 йилда уй хўжаликларида ўтказилган қузатув маълумотларига кўра аҳоли жон бошига ўртача даромадлар биринчи децилда 244098 сўмга, ўнинчи децилда эса 1496946 сўмга тенг бўлиб, жамига нисбатан мос равишда 3,9 ва 23,7 фоизни ташкил этган. Натижада 10 ва 1-децил гуруҳлари ўртасидаги нисбат 6,1 мартага ($23,7:3,9$ ёки $1496946:244098$) тенг бўлган. Бу эса республикамизда 2000-2022 йиллар мобайнида фонд коэффиценти 21,1 баробардан 6,1 баробаргача пасайганлигидан далолат беради.

-табаққаланишнинг децил коэффиценти- у аҳолининг энг таъминланган 10,0% даромадларининг энг кам таъминланган 10,0 % ўртасидаги фарқини кўрсатади;

¹ Муаллиф таърифи

-табақаланишнинг квантил коэффиценти – аҳолининг энг таъминланган 25,0 фоиз даромадларининг энг кам таъминланган 25,0 фоиз ўртасидаги фарқини кўрсатади;

Квинтил коэффицентида ҳам худди фонд коэффицентида қўлланилган усул ишлатилади, фақат бунда аҳоли ўнта гуруҳга эмас, балки бешта гуруҳга ажратилади. Яъни, аҳоли даромади миқдорига қараб ҳар бири 20 фоизни ташкил қилувчи бешта гуруҳга бўлинади. Мамлакатимизда 2022 йилда аҳоли жон бошига ўртача даромад биринчи квинтилда 293622 сўмни (9,3%), бешинчи квинтилда эса 1194690 сўмни (37,8%) ташкил этиб, квинтил коэффиценти 2000-2022 йилларда 9,9 баробардан 4,1 баробаргача пасайган

-стратификация коэффиценти- камбағалларнинг таъминланганлар сонига нисбати.

Мутлоқ тенгликни ифодаловчи чизиқ ва Лоренц эгри чизиғи ўртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттиради. Бу фарқ қанчалик катта бўлса, яъни Лоренц эгри чизиғи ОЕ чизиғидан қанчалик узоқда жойлашса, даромадлар тенгсизлиги даражаси ҳам шунчалик катта бўлади. Агар даромадларнинг ҳақиқий тақсимланиши мутлоқ тенг бўлса, бунда Лоренци эгри чизиғи ва биссектриса ўқи бир-бирига мос келиб, фарқ йўқолади.

Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тақсимланишини тавсифлаш учун аҳоли даромадлари тенгсизлиги индекси Джини коэффиценти қўлланилади. Джини коэффиценти чизмадаги Лоренц эгри чизиғи билан мутлоқ тенглик чизиғи ўртасидаги юзанинг ОФЕ учбурчак юзасига нисбати орқали аниқланади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, тенгсизлик шунча кучли бўлади. Жамият аъзоларининг даромадлари тенглашиб борганда бу кўрсаткич 0 га интилади.

1-жадвал

**Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти методикаси бўйича
Джини индекси кўрсаткичига боғлиқ холда даромадлар тақсимланишидаги
тенгсизлик даражасини баҳолаш мезони²**

Кўрсаткич	Баҳолаш мезони
0.20-0.22	Табақаланиш даражаси жуда паст бўлган давлатлар
0.24-0.26	Табақаланиш даражаси паст бўлган давлатлар
0.29-0.31	Табақаланиш даражаси ўртача бўлган давлатлар
0.33-0.35	Табақаланиш даражаси юқори бўлган давлатлар

Жини коэффиценти республикамизда 2000 йилдаги 0,39 дан 2022 йилда 0,262 гача камайди. Бу эса ўз навбатида жон бошига тўғри келадиган даромадлар бўйича аҳолининг табақаланишини сезиларли даражада камайишидан дарак беради.

БМТ мамлакатлар даромадлари тенгсизлигини кузатиб, уларнинг концентрацияси кўрсаткичи бўлмиш Жини индекси асосида қуйидаги таснифни тавсия этган: 0,41-0,42 – кескин даража; 0,35-0,37 – чегаравий кўрсаткич; 0,25-0,26 –

² Муаллиф ҳисоб-китоблари

оптималь қиймат бўлиб, Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар дифференцияси БМТ таснифи бўйича оптималь даражададир.

Ҳозирги вақтда Мексикада ижтимоий табақаланиш (фонд коэффициенти) 25,8 марта бўлиб, энг кам Данияда – 4,6 марта. Туркия, Англия, Кореяда мос ҳолда 17,3 марта, 10,1 марта, 8,6 мартани ташкил этмоқда.

2-жадвал

БМТнинг методикаси бўйича Джини индексига боғлиқ ҳолда даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик даражасини баҳолаш мезони [3]

Кўрсаткич	Баҳолаш мезони
0.41-0.42	Критик чегара (кўрсаткич)
0.35-0.37	Меёрий кўрсаткич
0.25-0.26	Оптималь кўрсаткич

Даромадлар табақаланиши билан бир қаторда даромадлар тенгсизлигидан юқори бўлган шахсий истеъмолнинг табақаланиши ҳам мавжуд. Истеъмол тенгсизлиги даражасини истеъмол савати ва алоҳида ҳудудлар ва ижтимоий гуруҳлар бўйича оилаларни танлаб текширишлар орқали аниқлаш мумкин.

10 фоиз аҳолининг максималь даромадларига нисбатидир. Децил коэффицентини ҳисоблаш учун аҳолини даромадлар бўйича 10 та тенг гуруҳга, яъни децил гуруҳларига ажратиш ва уларнинг чегаравий қийматларини ёки децилларни ҳисоблаш зарур. Ушбу таҳлилни Андижон вилояти аҳолисининг даромадлари бўйича табақаланишида ўрганиб, қуйидаги зарур маълумотлар йиғилди:

3-жадвал.

Андижон вилоятида аҳоли даромадларининг фоиз тақсимоти (2022 йил) ³

Йиллик ўртача даромадлар, минг сўм	Аҳоли улуши, % F	сум F	xi	Ялпи даромад		сум FD
				$D_i = x_i * \text{сум} F$	Даромадлар улуши, % FD	
15000 гача	10,2	10,2	10000	102000	0,2	0,2
15000–25000	8,9	19,1	20000	382000	0,6	0,8
25000–35000	8,8	27,9	30000	837000	1,4	2,1
35000–45000	12	39,9	40000	1596000	2,6	4,7
50000–75000	17,2	57,1	62500	3568750	5,8	10,5
75000–100000	12,5	69,6	87500	6090000	9,9	20,4
100000–150000	14,9	84,5	125000	10562500	17,1	37,5
150000–200000	7	91,5	175000	16012500	26,0	63,5
200000дан юқори	8,5	100	225000	22500000	36,5	100,0

³ Муаллиф ҳисоб-китоблари

Жами	100	-	-	61650750	100,0	-
------	-----	---	---	----------	-------	---

сум F – cumulative - кетма-кет миқдор ёки даражанинг ортиб бориши, яъни, жадвалда миқдори бўйича гуруҳланган даромадларни олувчи аҳоли улуши кетма-кетликда қўшиб ҳисобланади: $10,2+8,9=19,1$; $19,1+8,8=27,9$ ва ҳ.к. Жадвалда 200000 АҚШ доллар ва ундан юқори деб максимум чегара олинган, шуни 100 фоиз деб олсак, ҳар бир кетма-кетликда берилган даромад чегаралари қанча фоиз бўлишини билдиради.

x_i – ўртача даромад, яъни жадвалда ҳар бир кетма-кетликда даромадлар маълум бир чегарада берилган, масалан, 15000-25000, 25000- 35000 ва ҳ.к. шу чегара ичидаги ўртача даромад, қуйидагича ҳисобланади: $(15000+25000)/2=20000$; $(25000+35000)/2=30000$ ва ҳ.к.

$D_i=x_i$ * сум F – ўртача даромад ва 100 фоиз деб ҳисоблаганимиздаги аҳоли фозини кўпайтмаси орқали ҳисобланади.

Даромадлар даражаси бўйича гуруҳланган маълумотлар асосида децил қуйидагича ҳисобланади:

$$D_i = x_0 + L * \frac{k_i * \sum F - cumF_{i-1}}{F_i}$$

Бу ерда:

D_i -децил;

X_0 –децил жойлашган оралиқнинг қуйи чеграси;

L-децил оралиғи катталиги; бунда ойлик ўртача даромадлар жадвалда чегара билан берилган, шу оралиғи назарда тутилган, яъни, 15000-25000да оралиқ катталиги 10000, 50000–75000да оралиқ катталиги 25000, 150000–200000да оралиқ катталиги 50000.

k_i – i билан боғлиқ коэффицент, $k_1 = 0,1$; $k_2 = 0,2$; $k_9 = 0,9$ ва ҳ.к.

F_i – децил оралиғи вазни.

сум F_{i-1} – децил оралиғигача бўлган вазнлар йиғиндиси.

$$D_1 = 5000 + 10000 * \frac{0,1 * 100 - 0}{10,2} = 14803,92$$

$$D_2 = 15000 + 10000 * \frac{0,2 * 100 - 10,2}{8,9} = 26011,23$$

ва ҳ.к.

$$D_8 = 150000 + 50000 * \frac{0,8 * 100 - 84,5}{7} = 117857,14$$

$$D_9 = 200000 + 50000 * \frac{0,9 * 100 - 91,5}{8,5} = 191176,47$$

$$K_D = \frac{191176,47}{14803,92} = 12,9$$

Демак, Андижон вилоятида энг кўп даромадларга эга бўлган 10 фоиз аҳолининг минимал даромадлари энг кам даромадларга эга бўлган 10 фоиз аҳолининг максимал даромадларидан 12,9 марта кўп экан.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, бундай усулни қўллаш аҳоли турмуш даражасини ўрганишда самарали ҳисобланади. Чунки аҳоли турмуш даражасини статистик усулда таҳлил қилиш орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мумкин бўлади:

аҳоли фаровонлигининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг таркиби, динамикаси ва ўзгариш суръатларини комплекс ўрганиш;

аҳолининг даромадлар жиҳатидан табақаланиши ва унга турли ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсирини таҳлил этиш;

аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражасини баҳолаш ва бунинг асосида аҳоли турмуш даражасининг умумий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Аммо мамлакатимиз миқёсида бу методикани қўллаш учун аҳоли даромадлари тўғрисида тўлиқроқ, яъни юқори, ўрта ва қуйи даромад олувчилар аҳолининг қанча қисмини ташкил этиши каби расмий статистик маълумотларга эга бўлишимиз лозим бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" PF-60-sonli Farmoni: 74 b.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь.
3. Korrado Jini (1884-1965) Italiyalik statistik olim va demograf. Asosiy asari "O'zgarish va nodoimiylik"
4. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент, "Иқтисодиёт" 2019. 357- б
5. Дагбаева С.Д. Уровень жизни населения: пути решения проблемы бедности. Улан-Удэ., 2008. с.35.
6. Мухиддинов Х. С. Худуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. Монография. Т.: "ФАН", 2009. 12 б.
7. Рустамов Н.И. Аҳоли турмуш даражаси ва ўзбекистонда уни ошириш имкониятлари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2015 йил, -Б. 3-4.
8. Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально-экономическая статистика. М., 2001. с. 399.
9. Хужакулов Х.Дж. Аҳоли даромадлари табақаланиши ва турмуш даражаси кўрсаткичларининг статистик таҳлили. // Давлат статистика қўмитасининг "Ўзбекистон статистика ахборотномаси" илмий электрон журнали. 2019 йил, 1-сон, -Б. 4.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

